

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИСКАНДАРОВ ЖАҲОНГИР МАШРАБЖОН ЎҒЛИ

**КАСТРАЦИЯГА РЕЗИСТЕНТЛИ ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ
ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Искандаров Жаҳонгир Машрабжон ўғли

Кастрацияга резистентли простата беги саратонини
даволашнинг замонавий ёндашувлари..... 3

Искандаров Жаҳонгир Машрабжон угли

Современные подходы к лечению кастрационно-
резистентного рака предстательной железы 25

Iskandarov Jahongir Mashrabjon o'g'li

Modern approaches to the treatment of
castration-resistant prostate cancer 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИСКАНДАРОВ ЖАҲОНГИР МАШРАБЖОН ЎҒЛИ

**КАСТРАЦИЯГА РЕЗИСТЕНТЛИ ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИ
ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/Tib4589 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бойко Елена Владимировна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мухамедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Дониёр Комилжонович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси 2024 й. «___» _____ да соат ___да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: www.cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «___» _____ 2024 йилда.
(2024 йил “___” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов
илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев
илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков
илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйлаб простата бези саратони (ПБС) глобал ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, ҳозирда касаллик сонининг ошиши кузатилмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳар йили 1,4 миллионга яқин кишида простата бези саратони ҳолати қайд этилади...»¹ бу эркаклар ўртасида янги ташхис қўйилган барча ўсмаларнинг 14,1% ташкил қилади. Простата бези саратони ўпка саратонидан кейин эркакларда энг кўп ташхис қўйилган саратон ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда, масалан АҚШда простата бези саратони эркакларда энг кўп учрайдиган саратон ҳисобланади. Сўнгги ўн йил ичида янги ташхис қўйилган ПБС ва ўлим сонининг ўсиши, касалликни замонавий ташхислаш ва комплекс даволашни талаб қилади ва замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон тиббиётида ПБС тарқалиши, ташхислаш ва даволаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, кўп марказли тадқиқотларда беморларнинг ПБС касаллиги ва ўлимнинг кўпайиши беморнинг ёши ошиши билан боғлиқлиги аниқланди. ПБС ўсишининг табиий эволюцияси муқаррар равишда андрогенларни резистентлигига олиб келади. Ҳозирги вақтда кастрацияга резистентли простата бези саратонининг оғир шакли бўлиб қолмоқда ва унда яшовчанлик даражасини самарали оширишга олиб келувчи даволаш ҳозирда мавжуд эмас ва йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кастрацияга резистент простата бези саратонини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, онкомаркёрларни аниқлаш, иммуногистохимиявий текширув ёрдамида ген экспрессиясини баҳолаш, турли ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини тадбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш, бугунги кунда замонавий онкологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси ушбу муаммонинг долзарб эканлигидан ишонч билан далолат беради ва ушбу патологик жараённинг хавфли омиллари ва онкомаркёрларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва прогнозлашга бағишланган янги ёндашувларни

¹ЖССТ 2022 йилги маълумотлари

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Онкологик касалликлар орасида эркакларнинг простата бези саратони билан касалланиш даражаси сезиларли ўсиши сўнги ўн йилликда қайд этилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ПСА, трансректал ультратовуш ва бошқа замонавий диагностика усуллари кенг қўлланилишига қарамай, простата бези саратони билан оғриган беморларнинг улуши (III-IV босқич) юқориликча қолмоқда ва 65-68% ни ташкил қилади (Матвеев В.Б. 2019). Сўнги 10 йил ичида Ўзбекистон Республикасида простата бези саратонини эрта (I ва II босқич) аниқлаш кўрсаткичлари яхшиланди, хусусан, 2015-йилда беморларнинг 23,1% эрта босқичда аниқланган бўлса, 2022-йилда бу кўрсаткич 33,6% ни ташкил қилди. III-босқич ПБС билан оғриган беморларнинг улуши 47,6%дан 35,7%гача камайди (Тилляшайхов М.Н. 2022). Америка саратон жамияти (US Cancer Society) маълумотларига кўра, простата бези саратони сайёрамизнинг эркак популяциясида энг кенг тарқалган хавфли ўсма тури бўлишига қарамай, ушбу беморларнинг тахминан 30 фоизи радикал даволанишдан кейин ҳам касалликнинг қайталанишини кўрсатади. О. Сартор ва бошқ. (2018) простата саратонининг аксарият рецидивлари дастлаб андроген-депривация терапиясига (АДТ) жавоб бериши аниқланди, кейинчалик резистентлик ривожланиб, кастрацияга сезгирликдан кастрацияга резистентли простата бези саратонига (КРПБС) айланади. КРПБС билан оғриган эркакларда янги терапевтик воситаларни баҳолаш бўйича клиник синовларнинг аксарияти муваффақиятли бўлган. Бироқ, келажак учун асосий вазифа янги дориларнинг олдинги дориларга нисбатан самарадорлигини кўрсатиш ва исботлашдир.

Ушбу гипотеза кўплаб замонавий тадқиқотларда янги дорилар ёки дорилар комбинацияси самарасиз бўлган беморлар мавжудлигидан келиб чиқади. Дори воситаларининг таъсир механизмларини тушуниш энг муҳим аҳамиятга эга ва бу ўсмага қарши таргет терапиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистонда простата бези саратонини замонавий ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган илмий-тадқиқотлар амалга оширилган, яъни простата бези саратонини даволашда гипертермияни даволаш самарадорлиги ошиши исботланган (А.Х.Пармонов, 2008); хавфли ўсма хужайраларини молекуляр-генетик прогноз қилиш омилларини p53 индуктор апоптози, Bcl 2 индуктор апоптози ва Ki-67 маркёр пролиферацияси исботланган (Д.М.Низамов, 2012); метастазланган хавфли ўсма касалликларида иммуногистохимёвий таҳлил йўли билан VEGF ўрганилган ва таргет терапияни ўтказганда самарали натижалар олинган (Н.М.Рахимов, 2019); маҳаллий тарқалган простата бези саратони ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш (М.С. Саломов, 2024) каби тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда ПБС комплекс даволаш ва эпидемиология соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, аммо ушбу касалликнинг кастрацияга резистентли босқичларида Глисон суммаси, ўсманнинг дифференциация даражаси, ПСА, андроген рецепторлари (AR) экспрессияси ва CD34 натижалари йиғиндиси клиник аҳамияти бўйича етарли даражада илмий изланишлар олиб борилмаган. Юқорида айтилганларнинг барчаси простата бези саратонини даволашдан олдинги ва кейинги босқичларда ўсма ривожланиши хавфи юқори бўлган беморларда гормонал резистентликни аниқлаш учун прогностик мезонларни Глисон суммаси, ўсманнинг дифференциация даражаси, ПСА, CD34, андроген рецепторлари экспрессияси йиғиндисига асосланиб кастрацияга резистентли ПБС даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш учун зарур шартдир ва бу йўлдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлиги муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотлари диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: мултидисциплинар ёндашувни қўллаш ва прогнознинг молекуляр биологик омилларини аниқлаш орқали кастрацияга резистент простата саратонини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прогноз омилларининг интенсивлигига қараб даволанишдан кейин простата бези саратонининг гормонларга резистентлиги бошланишини аниқлаш;

простата бези саратонининг гормонларга резистентлиги ривожланишининг интенсивлигини ўтказилган асосий даволаш курсига қараб ўрганиш;

кастрацияга резистентли простата бези саратонини даволашда таргетли

препарат абиратерон билан даволаш самарадорлигини ўрганиш;

ўсма рецепторлари ҳолатига ва прогноз омилларига қараб кастрацияга резистентли простата беи саратонини даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали клиникасида (2008-2022й) 192 нафар простата беи саратони билан даволанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида простата беи саратони ташҳисига эга беморлардан олинган гистологик препаратлар ва ўсма касалликлари регистри маълумотларининг материаллари, касаллик тарихи ва амбулатор карталаридан кўчирмалар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда антропометрик, нури ташҳис, патогистологик, молекуляр генетик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

простата беи саратони беморларида Глисон суммаси, ўсманинг дифференциация даражаси, ПСА микдори, андроген рецепторлари экспрессияси, CD34 натижалари йиғиндисига асосланиб, даволанишдан кейин кастрацияга резистентлик ҳолати ривожланганлигини аниқлаш мумкинлиги исботланган;

простата беи саратонида кастрацияга резистентлик ривожланишида микроконтотмирлар зичлиги ва ангиогенез юқори бўлиши, хужайраларда антибластом ҳимоя функциясининг пасайиши, ўсманинг рецидивланиш ва қон томирлар орқали метастазланиш даражасининг ошиши исботланган;

T₂₋₄N₁M₀ босқич кастрацияга резистентли простата беи саратонида Глисон кўрсаткичининг 7 дан юқорилиги, андроген рецепторларининг паст экспрессияси, ПСАнинг 20 нг/млдан юқори, CD34нинг юқори экспрессиясида таргет терапия ўтказилиши асосланган;

простата беи саратонининг T₂₋₄N₁M₀ босқичида гормонал резистентли беморларда таргет терапиянинг кумулятив самарадорлигини ошиши ҳисобига рецидивланиш даражасини пасайиши, касаллик регрессияси ва ҳаёт сифати яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кастрацияга резистент простата беи саратонида Глисон суммаси, дифференциация даражаси, ПСА, CD34, андроген рецепторлари экспрессияси йиғиндисига асосланиб даволашдан олдинги ва кейинги босқичларда ўсма ривожланиши ҳавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

прогностик омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш алгоритмини қўллаш натижасида, кастрацияга резистентли простата беи саратони билан оғриган беморларни даволашда самарасиз гормон ва кимётерапия курслари ўтказилмаслигига ва уларга аниқ йўналишдаги таргет, нури ва жарроҳлик давоси ўтказилиши аниқланган;

кастрацияга резистент простата бези саратони билан оғриган беморларда таклиф этилган даволаш усулини қўллаш натижасида беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланди, умр кўриш давомийлигини ортди, ётоқ кунлар сони қисқарди ва бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник–экспериментал, функционал, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, кастрацияга резистент простата бези саратонини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади ва амалий тиббиётда фойдаланиш учун асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ва хулосалар КРПБС диагностикаси ва даволаш тактикасини белгилаш мезонларини аниқлаштиришдан иборат. Олинган натижалардан клиник ординаторлар ва магистрларнинг ўқув жараёнида алоҳида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти даволаш тактикасини аниқлаш ва кастрацияга резистентли простата бези саратонини даволашга жавоб бериш учун прогностик дастурни амалиётга тадбиқ этишдан иборат бўлиб, бу эса КРПБС прогнозини юқори аниқлик билан аниқлашга имкон беради, прогностик мезонларни ҳисобга олган ҳолда кастрацияга резистентли простата саратонини ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди, бу эса КРПБС даволашнинг узок муддатли натижаларини яхшилашга имкон беради ва алоҳида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 июндаги 1-сонли хулосасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: простата бези саратони беморларида Глисон суммаси, ўсманинг дифференциация даражаси, ПСА миқдори, андроген рецепторлари экспрессия, CD34 натижалари йиғиндисига асосланиб, даволанишдан кейин кастрацияга резистентлик ҳолати ривожланганлигини аниқлаш мумкинлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиалида 2024-йил 13-апрелдаги №56-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилояти филиалида 2024-йил 15-апрелдаги №35-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги* таклиф этилган усул онкологик муассасаларда биринчи марта простата бези саратонида Глисон суммаси, ПСА миқдори, ўсманинг

дифференциация даражаси, CD34 миқдори билан андроген рецепторлари экспрессия ҳисобига кастрация резистентлик ҳолати ривожланганлиги исботланганиши натижасида, беморларга асосланмаган ҳолда гормонтерапия, кимётерапия даволарини амбулатор ва стационар шароитда ўтказилиб келиниши олди олинган ва самарали даволаш тартибини жорий этилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* онкологик муассаларда биринчи марта простата беzi саратонида Глисон суммаси, ПСА миқдори, ўсманинг дифференциация даражаси, CD34 миқдори билан андроген рецепторлари экспрессия ҳисобига кастрация резистентлик ҳолати ривожланганлиги исботланиши бюджет маблағларини 21,5%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* онкологик муассаларда биринчи марта простата беzi саратонида Глисон суммаси, ПСА миқдори, ўсманинг дифференциация даражаси, CD34 миқдори билан андроген рецепторлари экспрессия ҳисобига кастрация резистентлик ҳолати ривожланишини исботланганиши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 21,5%га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга эришилган.

Иккинчи илмий янгилик: простата беzi саратонида кастрацияга резистентлик ривожланишида микроқонтомирлар зичлиги ва ангиогенез юқори бўлиши, ҳужайраларда антибластом ҳимоя функциясининг пасайиши, ўсманинг рецидивланиш ва қон томирлар орқали метастазланиш даражасининг ошиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиалида 2024-йил 13-апрелдаги №56-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилояти филиалида 2024-йилнинг 15-апрелдаги №35-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* простата беzi саратонида кастрацияга резистентлик ривожланишида микроқонтомирлар зичлиги ва ангиогенез юқори бўлиши, ҳужайраларда антибластом ҳимоя функциясининг пасайиши, ўсманинг рецидивланиш ва қон томирлар орқали метастазланиш даражасининг ошиши исботланиши орқали кастрацияга резистентли простата беzi саратони беморларида ушбу кўрсаткичларга қараб самарали даволаш тартибини тадбиқ этиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* простата беzi саратонида кастрацияга резистентлик ривожланишида микроқонтомирлар зичлиги ва ангиогенез юқори бўлиши, ҳужайраларда антибластом ҳимоя функциясининг пасайиши, ўсманинг рецидивланиш ва қон томирлар орқали метастазланиш даражасининг ошишига олиб келишини аниқлаш орқали самарали ташхислаш тартибини тадбиқ этилиши натижасида бюджет маблағларини 9,2%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* простата беzi саратонида кастрацияга резистентлик ривожланишида микроқонтомирлар зичлиги ва ангиогенез юқори бўлиши, ҳужайраларда антибластом ҳимоя функциясининг пасайиши, ўсманинг рецидивланиш ва қон томирлар орқали метастазланиш даражасининг ошиши исботланиши орқали простата беzi саратонини даволаш

натижаларини ижобий тартиби учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 9,2%га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш эришилган.

Учинчи илмий янгилик: T₂₋₄N₁M₀ босқич кастрацияга резистентли простата беzi саратонида Глисон кўрсаткичининг 7 дан юқорилиги, андроген рецепторларининг паст экспрессияси, ПСАнинг 20 нг/млдан юқори, CD34нинг юқори экспрессиясида таргет терапия ўтказилиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиалида 2024-йил 13-апрелдаги №56-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилояти филиали онкоурология бўлими бўйича 2024-йил 15-апрелдаги №35-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* T₂₋₄N₁M₀ босқич кастрацияга резистентли простата беzi саратонида Глисон кўрсаткичининг 7 дан юқорилиги, андроген рецепторларининг паст экспрессияси, ПСАнинг 20 нг/млдан юқори, CD34нинг юқори экспрессиясида таргет терапия ўтказилиши натижасида беморларни текшириш ва даволашни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* T₂₋₄N₁M₀ босқич кастрацияга резистентли простата беzi саратонида Глисон кўрсаткичининг 7 дан юқорилиги, андроген рецепторларининг паст экспрессияси, ПСАнинг 20 нг/млдан юқори, CD34нинг юқори экспрессиясида таргет терапия ўтказилиши асосланганиши орқали бюджет сарф харажатларини 11,0%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* T₂₋₄N₁M₀ босқич кастрацияга резистентли простата беzi саратонида Глисон кўрсаткичининг 7 дан юқорилиги, андроген рецепторларининг паст экспрессияси, ПСАнинг 20 нг/млдан юқори, CD34нинг юқори экспрессиясида таргет терапия ўтказилиши натижасида беморларни текшириш ва даволашни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 11,0 % га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгилик: простата беzi саратонининг T₂₋₄N₁M₀ босқичида гормонал резистентли беморларда таргет терапиянинг кумулятив самарадорлигини ошириш ҳисобига рецидивланиш даражасини пасайиши, касаллик регрессияси ва ҳаёт сифати яхшиланиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиалида 2024-йил 13-апрелдаги №56-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё вилояти филиалида 2024-йилнинг 15-апрелдаги №35-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқотда простата беzi саратонининг T₂₋₄N₁M₀ босқичида гормонал резистентли беморларда таргет терапиянинг кумулятив самарадорлигини ошириш ҳисобига рецидивланиш даражасини пасайиши, касаллик регрессияси ва ҳаёт сифати яхшиланиши

сабабли, бундай беморларни энг мақбул даволаш тактикаси асосланиши сабабли беморларда даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини яхшиланиши кўрсатиб ўтилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотда қўлланилган простата беzi саратонининг T₂₋₄N₁M₀ босқичида гормонал резистентли беморларда таргет терапиянинг кумулятив самарадорлигини ошиши ҳисобига рецидивланиш даражасини пасайиши, касаллик регрессияси ва ҳаёт сифати яхшиланиши сабабли беморларда бюджетдан сарф харажатларни 9,2%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса* простата беzi саратонининг T₂₋₄N₁M₀ босқичида гормонал резистентли беморларда таргет терапиянинг кумулятив самарадорлигини ошиши ҳисобига рецидивланиш даражасини пасайиши, касаллик регрессияси ва ҳаёт сифати яхшиланиши, бундай беморларни энг мақбул даволаш тактикаси асосланиши сабабли беморларда даволаш натижаларини яхшиланиши орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 9,2% иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Ж.М.Искандаровнинг **“Кастрацияга резистентли простата беzi саратонини даволашнинг замонавий ёндашувлари”** мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024-йил 25-июндаги 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, амалий фаолияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Кастрацияга резистентли простата бези саратони билан оғриган беморларга замонавий даволаш усуллари**нинг таъсири" деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг мушоҳадаси баён қилинган. Илмий адабиётларнинг замонавий шарҳида ПБСни тарқалиши, этиологияси ва патогенези, замонавий ташхисот усулларининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан турли хил замонавий ташхисот усуллари қўлланишининг ижобий ва салбий томонлари, ўзига хос хусусиятлари ва қўлланишга кўрсатмалар таҳлил қилинган ҳамда муаммонинг ечимини топишда муаллифлик ёндашуви танланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Материал ва усуллар"**га бағишланган. Ушбу тадқиқот 2008 йилдан 2022 йилгача РИОваРИАТМнинг онкоурология бўлими ва РИОваРИАТМ Тошкент шаҳар филиали онкоурология бўлимида даволанган кастрацияга резистентли простата бези саратони (ГРПБС) беморларнинг клиник материалларига асосланган.

Асосий гуруҳни ташкил этган $T_{2-4}N_1M_0$ простата саратони билан оғриган 112 нафар беморда касаллик тарихи, амбулатор карталар ва сўровномалар таҳлил қилинди. Ташхис дастлабки тасдиқланган пайтдан бошлаб барча беморлар даволанган ва фақат бизнинг клиникамизда кузатув остида бўлган. Диагностик ва прогностик дастурларни (назорат гуруҳи) таққослаш учун гормонтерапиясига сезгир бўлган простата бези саратони билан оғриган 80 нафар беморнинг тиббий тарихи ва амбулатор карталари таҳлил қилинган.

Беморларнинг ўртача ёши $62,3 \pm 5,9$ ни ташкил этди.

192 беморнинг 115 нафари (59,9%) шаҳар аҳолиси ва 77 нафари (40,1%) қишлоқ аҳолиси.

Тадқиқотда комплекс терапиянинг бир қисми сифатида гормонал даволанишдан кейин рецидив ёки ўсманинг прогресси бўлган беморларни ўз ичига олади. Узоқ метастазли беморлар текширув гуруҳларига киритилмаган.

ПБСнинг биринчи босқичи беморларнинг 6,3 фоизини ташкил қилади. Ўсманинг гистологик дифференциацияси G_{2-3-4} 75,8% ни ташкил этди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бирламчи мурожаат пайтида патологик жараённинг босқичига қараб КРПБС билан оғриган беморларнинг тақсимланиши.

Жараён босқичи	G ₁	G ₂	G ₃	G ₄	Жами
I	7 (6,3%)	-	-	-	7 (6,3%)
II	5 (4,5%)	4 (3,5%)	13 (11,6%)	5 (4,5%)	27 (24,1%)
III	13 (11,6%)	20 (17,8%)	12 (10,7%)	7 (6,3%)	52 (46,4%)
IV*	2 (1,8%)	7 (6,3%)	9 (8,0%)	8 (7,1%)	26 (23,2%)
Жами	27 (24,2%)	31 (27,6%)	34 (30,3%)	20 (17,9%)	112 (100%)

* эслатма- IV босқич-узоқ метастазларсиз маҳаллий тарқалган жараён.

Назорат гуруҳида беморларнинг босқичма-босқич тақсимланиши бир хил эди, биринчи босқич 6 нафар (7,5%) беморда, иккинчи босқич 18 нафар (22,5%) беморда, учинчи босқич 38 нафар (47,5%) беморда ва тўртинчи босқич 18 нафар (22,5%) беморда аниқланган. Ўсма дифференциацияси қуйидагича эди: G_1 – 6 (7,5%), G_2 – 11 (13,75%), G_3 – 37 (46,25%) ва G_4 -26 (32,5%).

Дастлабки маълумотлар, сўров натижаларига кўра, стандарт дастурий таъминотнинг электрон маълумотлар матрицаси ("МС Excel") шаклида ташкил этилган бўлиб, бу статистик ҳисоб-китобларни автоматлаштиришга, таққослаш гуруҳларига бўлинишга, кўрсаткичларни мантикий баҳолашга, шунингдек уларнинг жадвал ва график кўринишига имкон берди.

Барча беморларда ултратовуш текшируви ўтказилди. Ултратовуш текшируви сийдик чиқариш системаси (буйраклар, КЖС, сийдик йўллари, қовуқ, простата беzi), қорин бўшлиғи органлари, ретроперитонеал бўшлиқ, регионар метастаз зоналари ҳолатини баҳолади. Трансректал ултратовуш (ТрУТТ) текшируви простата беzi биопсияси учун ишлатилган.

ПБСда рентгенологик тадқиқот усуллари ва радиоизотоп диагностикаси асосан метастазларни (суяклар, ўпка, жигар, регионар ва узоқ лимфа тугунларида) ташхислаш учун ишлатилади. Агар суяк оғриғи, ПСА даражаси > 20 нг/мл ва Глисон миқдори ≥ 7 бўлса, остеоцинтиграфия ва рентгенологик текшириш ўтказилди. Регионар лимфа тугунларининг ҳолатини баҳолаш учун тос бўшлиғининг КТ ёки МРТ текшируви ўтказилди. Бирламчи простата ўсмасининг маҳаллий тарқалишини аниқлаш учун МРТ текшируви ўтказилди.

Узоқ метастазли беморлар тадқиқотга киритилмаган. Узоқ метастазларни аниқлаш учун компьютер томографияси билан бирлаштирилган позицион эмиссия томографияси (ПЭТ–КТ) ишлатилган.

ПСАнинг юқори қийматлари сонини камайтириш учун унинг озгина кўпайиши (4-10 нг/мл) билан ПСА нинг турли параметрлари ўрганилди.

ПБС ташхисини тасдиқлаш учун барча беморлар простата безининг биопсиясини палпация қилинган тугундан ёки ТрУТТга назорати остида камида 6-12 нуктадан (тизимли биопсия) ўтказдилар.

Диссертациянинг **"Гормонга резистент простата беzi саратони диагностикаси"** деб номланган учинчи бобида беморларда ўсманинг гормонал резистентлиги даволаниш бошланганидан дарҳол аниқланади, бошқалари гормонтерапияси ёрдамида бир неча ойлик муваффақиятли даволанишдан сўнг ривожланади. Шунга қарамай, ҳозирги кунга қадар гормонал резистентликнинг бирламчи ва иккиламчи шаклларини аниқлаш учун характерли белгилар ва ишончли мезон мавжуд эмас, бу эса ҳар бир ПБС беморлари учун етарли терапияни танлашни қийинлаштиради.

Прогностик мезонлардан фойдаланган ҳолда клиник жиҳатдан умумлаштирилмаган шаклларда ПБС билан оғриган беморларда гормонларга резистентликни аниқлаш учун беморларимизнинг касаллик тарихи, клиник ва биокимёвий йўналишини ретроспектив таҳлил қилинган:

1. Яхши прогноз билан: Глисон йиғиндиси < 6 ва ПСА < 10 нг / мл
2. Оралиқ прогноз билан: Глисон миқдори 7; ПСА 10-20 нг / мл
3. Ёмон прогноз билан: Глисон миқдори >7 ёки ПСА >20 нг/мл


2-жадвал

Прогностик белгиларга қараб беморларнинг тарқалиши

Прогностик гуруҳлар	Сони	%	p
Яхши	21	18,8	<0,01
Оралиқ	38	33,9	<0,05
Ёмон	53	47,3	<0,01


Бизнинг имкониятларимизга асосланиб, бугунги кунда бизнинг талабларимизга энг мос келадиган прогностик дастур бўлиб, у қуйидаги хусусиятларнинг комбинациясини ўз ичига олади: ПСА кўрсаткичи, Глисон йиғиндиси, ўсманинг дифференциация даражаси, CD34 ва андроген рецепторлари экспрессияси.

Иммуногистокимё текшируви турли хил жараёнларни таҳлил қилиш учун ўтказилади. Ушбу текширув молекуляр тузилмаларни ҳужайраларда аниқлаш мақсадида, ҳужайра жойлашишини ўрганиш, гистогенезини ўрганиш учун, касалликларни прогностик кузатиладиган асоратларини аниқлаш, ўсмаларнинг босқичларини ва даволаш тактикасини аниқлаш, динамик кузатув ҳамда даволаш жараёнларини назорат қилиш мақсадларида ушбу текширув муҳим аҳамият касб этади. Иммуногистокимёвий текширув учун 30 нафар беморлар танлаб олинди, шулардан 10 нафари юқори дифференцияланган аденокарцинома, 10 нафари ўрта дифференцияланган аденокарцинома ва 10 нафари паст дифференцияланган аденокарцинома.




1-расм. Простата беши саратонинг юқори дифференцияланган аденокарцинома турида CD34 реагентнинг позитив реакцияси. Бир кўрув майдонида 5-10 тагача томирлар зичлиги яққол намаён бўлди.

ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.



2-расм. Простата беzi саратонининг ўрта дифференцияланган аденокарцинома турида CD34 реагентнинг позитив реакцияси. Бир кўрув майдонида 15-20 тагача томирларга борлиги яққол намаён бўлади.


ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.



3-расм. Простата беzi саратонинг паст дифференцияланган аденокарцинома турида CD34 реагентнинг позитив реакцияси. Бир кўрув майдонида 30-40 тагача томирларга борлиги яққол намаён бўлади.


ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40

CD34 реагенти орқали натижалар ўсмани қон томирга бойлигини ўрганиш ва ўсмани қўшни органларга метастазланиш хусусиятига боғлиқлиги баҳоланди. Олинган натижалар неготив ва позитив реакция натижалари орқали баҳоланди. 30 нафар беморларнинг барчасида 100% позитив реакция кузатилди. Неготив реакция холати кузатилмади.




4-расм. Простата беzi саратонининг юқори дифференцияланган аденокарцинома турида андроген реагентининг неготив реакцияси.

ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.




5-расм. Простата беzi саратонининг ўрта дифференцияланган аденокарцинома турида андроген реагентининг неготив реакцияси.

ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.




6-расм. Простата беги саратонининг паст дифференцияланган аденокарцинома турида андроген реагентнинг негатив реакцияси. ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40

Тадқиқотга олинган 30 нафар беморнинг дифференциация даражасига қараб 10 нафардан танлаб олиниб андроген реагенти орқали ўрганилди. Улардан юқори дифференциялашган аденокарциномали 10 нафарида (100%) негатив реакция кузатилди. Паст даражали позитив реакция, ўрта позитив реакция ва юқори позитив реакция кузатилмади. Простата беги саратонида 10 нафари ўрта дифференцирланган аденокарцинома бўлиб, 10 нафарида (100%) негатив реакция кузатилди. Паст даражали позитив реакция, ўрта позитив реакция ва юқори позитив реакция кузатилмади. 10 нафари паст дифференцирланган аденокарцинома бўлиб 10 нафарида (100%) негатив реакция кузатилди. Паст даражали позитив реакция, ўрта позитив реакция ва юқори позитив реакция кузатилмади.




7-расм. Простата беги саратонининг юқори дифференциялашган аденокарцинома турида ПСА реагентнинг паст позитив реакцияси.

ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.



8-расм. Простата беги саратонининг ўрта дифференциялашган аденокарцинома турида ПСА реагентининг ўрта позитив реакцияси.

ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.



9-расм. Простата бези саратонининг паст дифференцирлашган аденокарцинома турида ПСА реагентнинг юқори позитив реакцияси.

ИГХ – Даб хромоген. Об10. Ок40.

Простата бези саратони билан касалланган 30 нафар бемор танланиб, беморларни ҳаммасида олинган натижалар ПСА реагенти орқали ўрганилди. Натижалар энгил, ўрта ва оғир даражали позитив реакция натижалари орқали баҳоланди. Тадқиқотга олинган 30 нафар беморнинг дифференциация даражаси орқали 10 нафардан танлаб олиниб баҳоланди. Улардан 10 нафари юқори дифференцияланган аденокарцинома бўлиб, негатив реакция 4 нафарида (40%), паст даражали позитив реакция 3 (30%) нафарида, ўрта позитив реакция 3 (30%) нафарида кузатилди. Юқори позитив реакция кузатилмади.

